



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 19 сентябрь, № 195 (7425) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА БОЙ ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Сўнгги йилларда пойтахтимиз Тошкентни туризм марказларидан бирига айлантириш, унинг халқаро нуфузини ошириш йўлида турли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Пойтахтимиз қоқ марказида барпо қилинган “Наврўз” боғи ҳам ана шундай бунёдкорлик ишларининг чинакам намунасига айланди.



Бундан икки йил олдин Президентимиз ташаббуси ва бевосита кўрсатмаси асосида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур ҳамда Юнусобод туманларида, Лабзак, Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов ҳамда Хуршид кўчалари оралиғида — “Анҳор-Локомотив” хиёбонининг шундоқ ёнгинасида “Наврўз” боғини бунёд этишга киришилди. Бунинг учун 30,51 гектар ер майдони ажратилди. Мақсад — Тошкентнинг туристик салоҳиятини кўтариш, Наврўз байрами ва у билан боғлиқ урфларни, қолаверса, ўзбек халқининг турмуш тарзи ва анъаналарини халқимиз ҳамда туристлар орасида тарғиб этишдан иборат.

Ҳар бир худуднинг ўз таровати бор

Президентимиз гоёсига кўра, шундай боғ барпо этилиши керак эдики, бу ерга келган сайёҳ, аввало, мамлакатимиз ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиши, ҳар бир худуднинг бетакрор жойлари ҳақида маълумотлар олиши, шундан кейин юртимизнинг яна қайси масканларига боришни ўзи учун ҳал этиб олиши лозим эди. Бу тақдир ва кўрсатмалар боғни қуриш жараёнида тўлиқ ҳисобга олинди. Боғ худудидagi этнографик тураржой мажмуалари ўзбек халқининг бой анъаналари ва ма-

Ислоҳот

данийтини ўзида намоён этади. Ҳар бир уй худудлардаги асрлар давомида шаклланган меъморчилик анъаналари асосида қад кўтарган. Шу боис уни очиқ осмон остидаги музейга қиёслаш мумкин. Уларни бунёд этишда бир қатор тарихчи олимларнинг асарларида келтирилган маълумотларга таянилди. Вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон номлари билан аталадиган кўчалар мазкур уйлارга олиб чиқади. Кўчалар номига қараб, иншоотлар қайси худудга тегишли эканини билиб олиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда, худуднинг қадимий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган. Ҳар бир вилоятга ажратилган худудда хунармандлар расталари ҳам ўрин олган.



ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

ЮНИСЕФ Термизда ижтимоий лойиҳани амалга оширди

Термиз шаҳрида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмағида вакциналарни сақлашга мўлжалланган янги иншоот қуриб битказилди. Иншоотда халқаро стандартларга мос замонавий совиткич камералар, ҳаво ҳароратини кўрсатиб турувчи ва электр энергиясини бир маромда сақловчи махсус қурилмалар ўрнатилди.

Бу ерда бир пайтнинг ўзида 168 мингдан ортиқ вакциналарни сифатли сақлаш имконияти яратилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 163 минг АҚШ доллари сарфланди. Бугунги кунда Сурхондарё вилоятига 13 хилдаги вакцина олиб келиниб, болалар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда эмлаш ишлари амалга ошириляпти. Хусусан, жорий йилнинг шу давригача 37 мингга яқин болалар турли касалликларга қарши эмланди. Ноябрь ойидан вилоятда 9 ёшли қизларни бачадон бўйи саратони касаллигига қарши эмлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу акция мамлакатимизда илк бора айнан Сурхондарёдан стартади. Шунингдек, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан давлат санитария-эпидемиология назорати марказига махсус жиҳозланган “Исузу” русумли микроавтобус топширилди. Бу эса вилоятнинг олис туманларига вакциналарни сифатли етказиб бериш имконини яратди.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

Покистон университети билан меморандум имзоланди

Айни кунларда Наманган шаҳар ҳокимлиги, Наманган муҳандислик-технология институти профессор-ўқитувчилари, шаҳарнинг тадбиркор-ишбилармон доиралари вакиллари билан иборат делегация Покистонда бўлиб турибди.

Делегация аъзолари ташриф давомида Файсалобод шаҳрига бордилар. Айтиш кераки, Панжоб вилоятида жойлашган ушбу шаҳар Покистонда катта салоҳиятга эга худудлардан биридир. Жумладан, Файсалобод мамлакатнинг тўқимачилик саноати маркази ҳисобланади. Файсалободга сафар давомида бир қатор амалий натижаларга эришилди. Хусусан, Наманган муҳандислик-технология институти ҳамда Покистон миллий енгил саноат университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Жан ТОДТ:

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ МАКТАБЛАРДА ЧУҚУР ЎҚИТИЛИШИ ЛОЗИМ

Йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммоси жамият тараққиётининг глобал масалаларидан биридир. Шу туфайли ҳар йили 1,35 млн. кишининг ҳаётига зомин бўлиб, 50 млн. одамнинг турли даражада жиддий жароҳат олишига сабаб бўляпти.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котибининг ўринбосари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича махсус вакили Жан Тодт билан учрашиб, ушбу мавзуда фикр алмашган ҳам масаланинг долзарблигини кўрсатди. Учрашувда Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсиз-

лиги масалалари, шунингдек, бу соҳада ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича БМТ асосий конвенцияларига қўшилиши ҳамда уларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.



Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖУДА МУҲИМ

“Мақтаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак». Давлатимиз раҳбарининг ушбу таъкиди мактаб ва таълим-тарбия стратегик аҳамият касб этаётганлигини яққол ифодалайди.

Демак, мутлақо прагматик, инновацион, креатив педагогик технологиялар асосида иш тутумимизни янгилашимиз, салоҳиятли, етук, жаҳон майдонида ўз сўзини айта оладиган авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз шарт.

Аввало, ҳар бир педагог ўз-ўзига “Шоғирдларимнинг маънавияти қандай? Қандай бўлиши керак?”, “Уларнинг атрофда бўлаётган ўзгаришларга, воқеликка муносабати қандай?”, “Уларнинг идеаллари кимлар?”, “Мен уларнинг тафаккури ҳақида нималарни биламан?”, деган

саволларни бериб, ишини миллий юксалиш талаблари асосида қайта ташкил қилиши мақсадга мувофиқ. Маънавий ислоҳот ўз-ўзидан юз бермайди. Бу — тарбиянинг натижаси. Ўзгариш — кечагидек ўйлашдан ўзгача ўйлаш, кечагидек яшашдан ўзгача яшаш. Ўзгариш даражаси ўзгаришига қаратилган сайёҳаракат сифатига боғлиқ. Бу эса ёшларимизнинг кўзлари кўраётган, қулоқлари эшитаётган нарсаларнинг ўзгаришига боғлиқ. Энг олдин, тарбиянинг мазмуни, шакл, воситалари ўзгариши зарур. Жамиятда

туб, тотал ўзгаришни амалга оширишнинг энг ишончли йўли — тарбияни ислоҳ қилиш. Бунда гап фақат болалар ҳақида эмас, балки бир вақтнинг ўзида аҳолининг барча табақасига бирдан, бирдай маърифий таъсир кўрсатишни англатади. Худди қуёш гўдакка ҳам, бола-ўсмир, ўрта ёш, кекса-нуронийга ҳам бир вақтнинг ўзида, бир хил иссиқлик, нур берганидек. Зеро, Президентимиз айтганидек, “таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуksиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим”. Эътибор берган бўлсангиз, бу жараённинг босқичма-босқичлиги, узлуksизлиги давлат сиёсати сифатида кўрилиши айтилмоқда.



ФАРМАКОЛОГИЯ спортчилар фаолиятида қандай ўрин тутуди?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида билдирилган танқидий фикрлар барчамизни жиддий мулоҳазага чорлади.

Муносабат

2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик даражасининг қоникарли эмаслиги жуда адолатли танқид қилинди. Тўғри-да, Олимпиадага тайёргарлик юзаси бўлмаслиги керак. Бунда бир ёки икки йил эмас, балки тўлиқ тўрт йил қамраб олиниши лозим.



ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР БЎЙИЧА 5 МУҲИМ САВОЛГА ЖАВОБ

1. ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР НИМАГА КЕРАК?

Аксарият давлатларда хусусий нотариуслар бор. Хусусий нотариуслар ходимлар сони, иш вақти ва бошқа ташкилий масалаларни ўзи ҳал қилиши, топган даромади ўзида қолиши сабабли навбатлар, сансалорлик ҳамда коррупция ҳолатлари камайди. Хизмат сифати ва тезкорлиги ошади.

2. ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ХИЗМАТИ НАРХЛАРИНИ ЎЗИ ИСТАГАНДЕК БЕЛГИЛАЙДИМИ?

Йўқ. Нотариал ҳаракат учун ундирилаётган тўловлар миқдорлари Ҳукумат томонидан белгиланади.

3. ХУСУСИЙ НОТАРИУС ТАСДИҚЛАГАН ХУЖЖАТ ДАВЛАТ НОТАРИУСИ ТАСДИҚЛАГАН ХУЖЖАТ БИЛАН БИР ХИЛ КУЧГА ЭГАМИ?

Ҳа. Давлат ва хусусий нотариуслар тасдиқлаган хужжатлар бир хил юридик кучга эга.

4. БАРЧА ДАВЛАТ НОТАРИУСЛАРИ БИР КУНДА ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАРГА АЙЛАНДИМИ?

Йўқ. Жараён босқичма-босқич амалга оширилади. Етарли миқдордаги хусусий нотариуслар ташкил этилгунга қадар давлат нотариуслари ўз фаолиятини давом эттиради.

5. ХУСУСИЙ НОТАРИУСЛАР ОЧИЛИШИ НОҚОНУНИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ КЎПАЙТИРМАЙДИМИ?

Ундай эмас. Хусусий нотариуслар фаолияти Адлия вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади:

- 1) нотариал ҳаракат билан боғлиқ барча ишлар электрон тизимда бажарилади ва уларнинг тарихи сақланади. Жараёнлар онлайн назорат қилинади, ноқонуний ҳаракатлар тўхтатилади;
- 2) нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун керакли маълумотлар ва шахснинг бармоқ изи тизим орқали электрон текширилиши сабабли уларнинг сохталаштирилишига йўл қўйилмайди;
- 3) тўловлар электрон ҳисобланади ва тўланади, фуқаро “SMS” хабар орқали тўлов суммасини тасдиқлайди;
- 4) нотариус ноқонуний ҳаракати натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплайди. Нотариуснинг жавобгарлиги мажбурий суғуртланади.

Адлия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.



Жан ТОДТ:

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ МАКТАБЛАРДА ЧУҚУР ЎҚИТИЛИШИ ЛОЗИМ

Маълумотларга кўра, йўл-транспорт жароҳати болалар ва ёшлар орасида ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади, катта ижтимоий ҳамда иқтисодий оқибатларга олиб келади, бунинг натижасида кўпчилик мамлакатларда иқтисодий зарар ЯИМнинг 5 фоизигача етади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ўтган йилдаги Глобал ҳисоботида таъкидланганидек, Ўзбекистон йўл хавфсизлиги соҳасидаги ишлар ҳолати

бўйича Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Томонлар қайд этганларидек, Ўзбекистон БМТнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тўртта конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади. Ушбу конвенциялар мамлакатнинг ишончли норматив-ҳуқуқий базасини ва йўл ҳаракати хавфсизлигининг комплекс миллий тизимларини яратишда ўз самарадорлигини исботлади.

Махсус вақтинчалик маълум қилишчи, Қозғоғистонда йўл-транспорт

ҳодисалари натижасида содир бўлаётган ўлим ҳолатлари Ўзбекистондаги кўрсаткичдан икки баравар кўп. Шунингдек, бу Франция ва Буюк Британия Бирлашган Қироллигидаги кўрсаткичдан икки баравар юқори. Бу нафақат оилалар ҳамда яқинлар учун, балки бутун давлат учун катта баҳо. Масалан, Францияда авария оқибатларини бартараф қилиш учун 60 миллиард АҚШ доллари сарфланади.

Ж. Тодт Ўзбекистон ҳукуматини йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрсаткичларини яхшилашда қўллаб-қув-

ватлашга тайёрлигини билдирди ва Ўзбекистонни ушбу соҳада БМТнинг қатор муҳим конвенцияларига қўшилишга ҳамда уларни муваффақиятли бажаришга чақирди. Асосий эътиборни мактаблар ҳамда ўқув муассасаларида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига оид фанларни кучайтириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларига қаратди. Ички ишлар органлари тизимидаги коррупцияга барҳам бериш, автомобиль стандартлари, йўл инфратузилмаси ва авариядан

кейинги реабилитация даражасини ошириш муҳим ҳисобланади. Ж. Тодтнинг фикрича, тезликни чеклаш, камарни нафақат олд ўриндикда, балки орқа ўриндикларда ҳам тақшони талаб қилиш, маст ҳолатда машина бошқаришни тақиқлаш керак.

Учрашув якунида томонлар ушбу соҳада икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш йўлида мулоқотни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Раҳим ШЕРКУЛОВ («Халқ сўзи»)

Президент ташрифидан сўнг

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 26 июль куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали атрофида қурилиши режалаштирилган туристик марказ лойиҳаси билан танишиб, бу ерда хорижий ва маҳаллий сайёҳлар, вилоят аҳолиси учун қулай шарт-шароитга эга дам олиш маскани яратиш бўйича топшириқлар берган эди.

ТУРИСТИК МАРКАЗ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

360 гектар майдонни эгаллаган мазкур ҳудудда бугун қурилиш ишлари бошланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Раматов, Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов, бир қатор вазирилик ва идоралар масъул ходимлари, қурилишга мутасадди компаниялар вакиллари иштирок этди.

Лойиҳа қурилишига масъул Тимур Цойнинг маълум қилишича, туристик марказ икки ҳудуддан иборат бўлиб, эшак эшиш каналининг Шимолий ҳудудда замонавий анжуманлар саройи, иккита беш юлдузли, иккита тўрт юлдузли меҳмонхона ва бошқа иншоотлар қурилади. Мазкур ҳудуд — марказнинг бизнес ҳудуди ҳисобланади.

Жанубий ҳудуд эса ички туризм учун мўлжалланиб, бу ерда олти та меҳмонхона, аквапарк, спорт иншоотлари, ресторан ва кафелар, миллий маҳсулотлар билан савдо қилувчи шохобчалар бунёд этилади. Энг муҳими, мазкур ҳудудда дендропарк ташкил этилади ва бу ерда маҳаллий аҳоли оилавий келиб ҳордиқ чиқариши учун имконият яратилади. Ҳудудда бир вақтнинг ўзида уч минг киши дам олиши мумкин бўлади.

Сайёҳлик маркази ҳудудидаги йўллар, асосан, электромобиллар қатновига мўлжалланади. Шунингдек, велойўлак, пибда сайр қилиш учун йўлақлар бўлади.

Янги марказ қурилиши давомида эшак эшиш каналининг табиий шарт-шароит ва имкониятлари сақлаб қолingan ҳолда, бу ерда йирик халқаро мусобақалар ўтказиш учун янада қулай, шарт-шароит яратилади.

Бугун бошланган қурилиш ишларини 2021 йил охирига қадар якунлаш режалаштирилган.

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

Покистон университети билан меморандум имзоланди



Томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги доирасида имзоланган битимга мувофиқ, олий таълим муассасамизда Покистондаги университет билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида сновдан ўтказиш ва сертифицициялаш лабораторияси ташкил этилади. Шунингдек, икки олий таълим муассасаси педагог ва талабаларининг ўзаро тажриба алмашинуви йўлга қўйилади, — дейди Наманган муҳандислик-технология институти ректори Одиложон Маматқаримов.

Мулоқот чоғида қўшма ўқув дастурлари, илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқиш ҳамда йилнинг охирига қадар Наманганга Покистоннинг халқаро таълим соҳасида етакчи ўринларда турайдиган университетларнинг профессорлари ва техник мутахассислари делегацияси сафарини уюштиришга келишиб олинди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»)

ПАЛЬМА ЁҒИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН ХАВФЛИМИ?

Аҳоли саломатлигини сақлашда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги энг долзарб масалалардан бири саналади.

Таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари фуқароларимиз томонидан мамлакатимизга олиб кириляётган пальма ёғи ва унинг асосида ишлаб чиқариляётган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон саломатлигига таъсири юзасидан тегишли давлат органларига сўровлар юборди ҳамда ўрганишлар олиб борди.

Депутат фикри

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувларида улар кундалик истеъмол қиляётган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида трансжёллар, хусусан, пальма ёғи миқдори белгиланган метёрдан юқори эканлиги ҳақиқи эътирозларга сабаб бўлмоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, охириги уч йилда мамлакатимизга ўртача 50 минг тоннадан ортиқ пальма ёғлари импорт қилинган. Бу жорий йилнинг ўтган қисқа даврида пальма ёғи импорти ўтган йиллардагига нисбатан кескин ўсаятганлигидан далolat бермоқда.

Масалан, маргарин ва пишлоқ маҳсулотларида ёғ кислоталаридаги трансизомерлар миқдор кўрсаткичи бўйича 4 фоизгача этиб белгиланган бўлса-да, харид қилинган намуналарда уларнинг миқдори 8,8 фоиз, яъни ушбу маҳсулотлар таркибида бегона ёғларнинг миқдори 2 баробардан юқорилиги қайд этилди. Бу амалдаги Сут ва

сўт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентда сут маҳсулотлари таркибида сут ёғларидан ташқари бегона ёғларнинг бўлмаслиги шартига зид бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хулосасига кўра, пальма ёғи инсон саломатлиги учун хавфлиги тиббиётда аниқланган бўлиб, ҳатто эркакларнинг бепуштлигини ҳам келтириб чиқариши мумкин экан. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистонда амалдаги санитария қоидалари ва метёрларига асосан, болалар озиқ-овқати маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида пальма ёғидан фойдаланиш тақиқланган.

Қайд этиш керакки, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг парламент олдидаги ҳисоботида мазкур масала Ҳукумат вакиллари олдида қўйилган эди. Депутатлар тақлифи бўйича манфаатдор вазирилик ва идоралар вакиллари иборат махсус Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, масалани чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқаришга келишилди.

Сўнгра, жорий йил 19 август куни Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисининг баёнида Давлат дастурининг ижроси юзасидан импорт қилинаётган пальма ёғининг озиқ-овқат соҳасида ишлатиш билан боғлиқ вазиятни ўрганиш бўйича манфаатдор вазирилик ва идораларга вазифалар юклатилиб, тегишли муддатлар белгиланди.

Бироқ мамлакатимизга кириб кела-

ётган катта миқдордаги пальма ёғи қайси мақсадларда ишлатилиб, уни қандай назорат қилиш тартиби бўйича амалга ошириляётган ишлардан депутатлар ўз вақтида хабардор қилинмапти.

Бундан ташқари, Ҳукуматнинг ушбу масала бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасида белгиланган импорт қилинаётган пальма ёғининг озиқ-овқат соҳасида ишлатиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш натижаси бўйича 16 сентябргача, деб берилган топширининг ижроси ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Пальма ёғи — импорти? У валюта ҳисобига олиб келинадими? Унинг ўрнини босувчи маҳсулот ўзимизда йўқми? Буни қайсидир идора ўйлаши керакми-йўқми?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги нега бонг урмапти? Ахир пальма ёғи зарарининг олди олинса тури хасталикларга барҳам берилган, қолаверса, бюджет маблағлари иқтисод қилинган бўларди.

Халқ вакиллари томонидан олиб бориляётган ўрганишлар натижадорлигини таъминлаш мақсадида Ҳукумат бу борада тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарларининг масъулиятини оширишига умид қиламиз.

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Парламент ҳаёти

«Мен бу қонунга қарши овоз бераман»

Бугун депутатларимиз сайёҳаракати билан халқимизни ўйлантираётган кўплаб муаммолар ҳал бўлмоқда. Албатта, бу депутатлик фаолияти, парламент назоратини янада кучайтиришимиз кераклигини тақозо этади.

Яқинда бир гуруҳ депутат ва мутахассислар иштирокида “Фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилдик. Лойиҳа Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 2019 йил 11 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилган.

Шунча меҳнат, бир олам расмиятчилик, юзлаб ёзишмалар. Лекин натижа нима бўлади? Ҳеч қандай янгилик, энгиллик бермайдиган ҳужжат юзага келади. Қилган меҳнатингача ачиниб кетасан, киши.

Гап шундаки, мазкур лойиҳанинг ҳеч қандай “тиши йўқ”, янгилиги йўқ. Ундаги нормаларнинг ҳаммаси Оила, Фуқаролик кодексларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган ҳужжатларда мавжуд.

Юқорида айтилганидек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Оила кодексининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш” номли бўлимидаги қоидалардан (фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг умумий қоидалари, туғилганик, никоҳ, никоҳдан ажралганик, ўлимни қайд этиш, фамилия, исм ва ота исмининг ўзгартириш тартиби, шунингдек, далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш, қўшимча қилиш ҳамда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тиклаш ва бекор қилиш тартиби) фойдаланилган.

Бироқ қонун қабул қилиниши муносабати билан Оила кодексининг мазкур бўлимини бекор қилиш тақлиф этилмоқда. Бу нотўғри. Чунки унинг бекор қилиниши Кодекснинг бошқа моддалари ва бўлимларига ҳам таъсир кўрсатиб, ушбу ҳужжатнинг мантиқий ахиллиги мутлақо бўзилишига олиб келади.

Лойиҳа Қонунчилик палатасига киритилгунга қадар амалдаги тартиб-таомилга биноан Адлия вазирлиги, Олий суд ва бошқа манфаатдор органлар билан келишилгани қайд этилган. Қонунчилик палатасига киритилган олдин Адлия вазирлиги уни юридик экспертизадан ўтказган ҳам бўлса керак...

Хуллас, ҳадемай лойиҳани қабул қилиш масаласи овозга қўйилса, қарши овоз бераман.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси фаоллари, фракциядошларим ҳам мени қўллаб-қувватлашларига ишонаман.

Алишер ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ, БЕТАКРОР МЕРОСИ, МЕҲМОНДЎСТЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ

Мамлакатни ривожлантирувчи омиллар кўп. Шулардан энг асосийларидан бири бу, шубҳасиз, туризмдир. Бинобарин, бу орқали нафақат ўша давлатнинг сайёҳлик салоҳияти юксалади, балки уни дунё танийди, иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги мустақамланади. Аини пайтда жаҳон ялли ички маҳсулотининг 10 фоизи мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келаётгани ва бу борада имконият тобора

ортиб бораётгани фикримиз тасдиғидир. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишдаги ишларга катта эътибор қаратилиб, соҳа ривожини йўлида кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани, бир қатор хорижий давлатлар фуқаролари учун визасиз режим жорий этилгани, умуман, сайёҳлик борасида қўшимча имкониятлар ишга солинаётгани диққатга сазовор.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Германиянинг “Lernidee Erlebnisreisen GmbH” компанияси ўртасидаги ҳамкорлик ана шу йўлдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Қайд этиш керакки, бугунги кунда мазкур компанияни нафақат Германия, балки бошқа мамлакатларда ҳам яхши билишади. Чунки миллионлаб одамлар ушбу компания томонидан ташкил этилган дастурлар асосида дунё кезишга муваффақ бўлди.

Кеча Тошкент темир йўл вокзалида Марказий Осиё бўйлаб йўлга чиққан навбатдаги чартер поезд тантанали равишда кутиб олинди. Биз меҳмонларнинг айримларини сўхбатга тортидик.

Ханс ЭНГБЕРДИНГ, “Lernidee Erlebnisreisen GmbH” компанияси таъсисчиси:

— Компаниямиз, мана, 32 йилдирки, ушбу соҳада фаолият юритиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида Европа минтақасидан ташқари Жанубий Африка, Жанубий Америка, Канада, АҚШ, Осиё давлатларига доимий сайёҳлик турлари уюштириб келмоқдамиз. Сайёҳлик йўналишлари орасида, Буюк Ипак йўли, хусусан, Марказий Осиё йўналиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис бир йилда темир йўл орқали 10 та чартер поездни ташкил қиламиз.



Биласизми, темир йўл орқали сайрга чиқиш бир томондан мураккаб. Халқаро йўналишлар бўйлаб алоҳида келишув асосида ҳаракатланиш кўп вақт олади. Иккинчи тарафдан эса мароқли. Яъни сайёҳ поездда тури давлатлар табиати, шаҳар қишлоқларини томоша қилиш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, сайёҳликнинг бу турига “Йўл устидаги меҳмонхона” дея таъриф берилиши ҳам бежиз эмас. Зотан, бунда яшаш учун сарфланадиган маблағ тежаланди.

Ҳамма қулайликлар поезднинг ўзида яратилади. Шу боис биздан юз хизматимиздан фойдаланувчилар сафи тобора кенгаймоқда.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, бизнинг сафаримиз учун поезд вагонлари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган. Улар ҳар томонлама қулай ва замонавий. Бу ҳам юртингизда сайёҳликни ривожлантириш учун қанчалик эътибор қаратиляётганидан далolatдир.

Роберт ҲАМИЛТОН, сайёҳ (Буюк Британия):

— Саёҳатимиз давомида Қозғоғистон ва Қирғизистонда бўлдик. Энди эса Ўзбекистондамиз. Юртингизга биринчи мартаба келишим. Тўғриси, Ўзбекистон, хусусан, пойтахт — Тошкент замонавий шаҳар экан. Замонавийлиги шундаки, бу ерда кейинги йилларда улкан қурилиш ишлари амалга ошириляётган экан. Айтишларича, яна беш-олти йилдан сўнг шаҳар осмонўпар бинолари, боғлари билан янада гўзаллашади.

Шу билан бирга, тарихий кентда қадимий ва тарихий иншоотлар ҳам та-

Олфрид ОЛБРИЖ, сайёҳ, (Бельгия):

— Ўзбекистон хусусида илгари кўп эшитган эдим. Уша эшитганларимни кўриш учун келиб турибман. Бунда менга турмуш ўртоғим Катерина ҳамроҳлик қилмоқда. Таассуротлар бир олам. Аввало, Тошкентнинг бизга ёққан томонларидан энг асосийси — дарактлар, яшил ҳудудлари кўп. Бу яхши жиҳат. Шунингдек, озода. Меҳмондўстлигини эса вокзалдаги тантанали кутиш маросимидаёқ билиб олдик.

Юртингиздаги сафаримиз бир неча кун давом этади. Бу орқали бизга Бухоро, Хива, Самарқанд каби дунёга довруги ёйилган шаҳарларни бориб кўришга ҳам мижасар бўламан.

Дарҳақиқат, чартер поезд йўловчилари Ўзбекистонда бошқаларга нис-

лайгина экан. Сафаримизнинг дастлабки куни Ҳазрати Имом мажмуасида бўлдик. Чорсу бозорини айландик. Метро эса янада хайратланарди.

Қисқаси, Ўзбекистон бизда катта таассурот қолдирмоқда.



батан кўпроқ вақт бўлиши белгиланган. Буни улар Ўзбекистоннинг табиати, меҳмондўстлиги билан изоҳлашмоқда. Улар тарихий шаҳарларимиз қаторида қадимий хунарларимиз, аъналаримиз билан яқиндан таништирилади. Ушбу ҳамкорлик, пировардида юртимизда туризм ривожини учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»)

Ҳақим ЙЎЛДОШЕВ олган сўрашлар.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖУДА МУҲИМ

Шу жихатдан қараганда, 2019 йилда инсон капиталига юксак эътибор қаратилаётгани тарихий аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, инсон капитали, бу — инсоннинг ўзига ва мамлакатига, халқига фойда келтиришга тайёрлиги даражасидир.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида инвестициялар икки йўналишда — иқтисодий ва унинг инсон омилига — тарбия, таълим, билим, соғлиқни сақлашга, ҳаёти фаровон қилишга йўналтирилмоқда. Тарбия-таълим — Инсон капиталига киритиладиган педагогик инвестицияни ташкил қилади. Педагогик инвестиция инсонга бир марта эмас, бир умр фойда келтиради. Хар бир ёш йигит-қизга 10 — 20 йилдан кейин ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўзини ўзи боқиб туриши, бунинг учун педагогик инвестиция, яъни инсон капитали боғча ёшидан бошлаб лойиҳалаштирилади, йилма-йил ёшига мос компетенциялар ўргатилади. Зеро, бобомиз Абу Али ибн Сино айтганларидек, "Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади".

Тарбия қанча кеч берилса, унинг натижаси шунча омонат, юзак бўлаверади. Очиги, бу соҳа энг кўп гапирилган, бироқ мавҳумлигича қолаётган эди.

Биз унинг оқибатларини кўриб, санаб, мактаб — маҳаллани, маҳалла — ота-онани, ота-она мактабни айблаб келдик. Хисоботларни тадбирлар номлари билан тўлдириб ташладик. Лекин бундай тарбия туфайли болаларимиз ҳаётнинг биринчи синовларидаёқ қоқилаётганидан кўз юмдик.

Энг ачинарлиси, болаларимиз 5 — 10 йилдан кейин ўзлари кириб борадиган ҳаётий вазиятларда қандай йўл тутишга ўргатилмади. Танқид қилинса, биз яна кўпроқ усти ялтирок, ичи қалтирок тадбирлар ўтказавердик. Лекин натижа ўзгармади. Тарбия масаласи — инсон капитали масаласи эканлигини чуқур англамадик. Бу тизимли хатонинг илдири ҳам, тузатиш йўллари ҳам Президентимиз томонидан кўрсатиб берилди:

«Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилди. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15 — 17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт».

Илгор, замонавий фикрловчи педагогларимиз "Тарбияга сармоя сарфлаш" ибораси, фойдани 4 баробардан 17 баробарга кўтариш вазифасининг маъносини тезда англаб оладилар. Президентимизнинг тарбия тўғрисидаги ташаббуслари педагогик тафаккуримизни ўзгартирмоқда. Чунки тарбияга киритилган инвестиция фойдани, яъни аниқ билим, кўникма, маънавий, одат, компетенцияларни кўрсатишни талаб қилади. Бу эса болаларнинг ёшига мос келадиган тарбиявий стандартларни жорий қилишни талаб этади.

Бунинг учун педагогларимиздан инновацион, замонавий фикрлаш талаб этилади. Яъни миллий тарбиямиздаги "ёшига мос тарбия" билан ривожланган давлатлардаги "болаларни



Хосен ПАЙДОНОВ олган сурат.

ёшига мос ҳаётий компетенциялар билан кафолатли таъминлаш" тамойиллари уйғунлигини асос қилиб олишимиз зарур. Ана шунда бугунгача ҳукмини ўтказиб келган "оғзаки тарбия"га чек қўйилади.

Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида бой ва бахтли бўлишлари учун болаларимиз, фуқароларда қандай долзарб компетенция-фазилятлар етакчилик қилиши даркор? Қайси фазилятлар бор, қайсилари еттишмапти?, деб "санаб", таҳлил қилиш аниқ пайтда жуда ҳам муҳим.

Ёшларимизга бугун ҳам, эртага ҳам, келажакда — масалан, 2025, 2040 йилда ҳам, ўз Ватанида, мустақил, ўзини ўзи эплаб, фаровонликда яшашни ўргатишимиз ниҳоятда шарт. Хар бир одам ёшидан қатъи на-

зар, нафақат бугун, эрта-индин, келгусида ҳам маънавий-моддий ҳаловатда кун кечирини истайди. Тарбиявий шароит тўғрисида ташкил қилинса, мамнунлик, қониқиб, ҳаётдан розилик бўлади.

Бугун дунё миқёсида тобора авж олаётган рақобат нафақат иқтисодий, геосиёсий манфаатларни, балки педагогикани ҳам қамраб олади. Унда қайси томон аҳолисининг ватанпарварлиги, масъулияти, фидойчилиги кучли бўлса, ўша томон ғолиб чиқади. Ҳалабуга эса ана шундай хусусиятларга эга, янги билим, технологиялар ижодкорлари, венчур мутахассислари улкан ҳисса қўшишларига асло шубҳамиз йўқ.

Шаҳноза АКРАМОВА,
педагогика фанлари доктори.



ФАРМАКОЛОГИЯ

спортчилар фаолиятида қандай ўрин тутаети?

Безиз Олимпиада цикли дейилмайти. Бизда эса ҳозир жуда кам вақт қолди, аммо бу ўзимизни оқлаш учун баҳона бўлолмайди. Чунки бугун спортчиларга давлатимиз томонидан барча шароит яратиб берилмоқда. Энди мураббийлардан масъулият, атлетларимиздан эса ўз устида тинимсиз ишлаш, изланиш талаб қилинади.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари селекция масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон истеъдодларга бой, фақат уларни тўғри танлаш ва аниқ механизм асосида энг нуфузли спорт мусобақаларига тайёрлаб бориш муҳим. Ана шунда кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Масалан, ҳозирдан 2022 йилга Сенегалда бўладиган ўсмирлар Олимпиадасига номзодларни аниқлаб, тайёрлашимиз лозим. Улар эса кейинчалик 2024 ва 2028 йилги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Демак, бу жараён занжирдек бир-бирига узвий боғлиқ. Юртбошимиз танқиддан тўғри хулоса чиқариб, барча спорт турида селекция ишларини янада кучайтирсак, тўғри йўлга қўя олсак, бундан фақат спортимиз ютади.

Сир эмаски, спортчиларнинг тез тикланиб олишида фармакология ҳам муҳим саналади. Нима учун? Чунки атлетнинг тикланиши учун кучли овқатлар ёки калорияли мева-сабзавотларнинг ўзи камлик қилади. Бу жараёнда турли витаминларга ҳам эҳтиёж сезилади. У айнан фармако-

логия фаолиятига боғлиқ. Афсуски, юртимизда спорт фармакологияси бўйича дунёнинг энг илгор давлатлари тажрибасини ўрганиш, янги дори воситаларини яратиш борасида оқсашлар кузатилаётгани аниқ ҳақиқат. Кўпчилик спортчилар қайси дори воситалари допинг рўйхатига

Спортчиларнинг тез тикланиб олишида фармакология ҳам муҳим саналади. Нима учун? Чунки атлетнинг тикланиши учун кучли овқатлар ёки калорияли мева-сабзавотларнинг ўзи камлик қилади. Бу жараёнда турли витаминларга ҳам эҳтиёж сезилади. У айнан фармакология фаолиятига боғлиқ.

киритилгани ҳам яхши билишмайди. Натижада ўзлари хоҳламаган ҳолда хатога йўл қўйишади. Шу маънода, юртимизда спорт фармакологиясига эътиборни кучайтириш лозимлиги таъкидлангани аниқ мўлдат бўлди. Агар биз спорт фармакологиясини яхши йўлга қўямас эканмиз, эртага юқори натижаларга эришишимиз кийин бўлади.

Яна бир диққатга сазовор жихат, бу — иختисослаштирилган талабгорлар учун). Давлатимиз раҳбари "Хар бир туман ва шаҳарни мавжуд спорт инфратузилмаси, аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, спортнинг муайян турига иختисослаштириш зарур", дея таъкидлади. Чунки у ёки бу спорт турига маълум бир ҳудудда мойиллик кучли. Мисол учун,

Қашқадарё ва Сурхондарёда кураш турлари кенг оммалашган ва ривожланган. Оғир атлетика спортини ҳақида айтишнинг бўлсақ, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида унга қизиқиш юқори. Шу маънода, Юртбошимиз тақлифи жуда ўринли бўлди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш ва ғолибларга спорт тоифалари бериш, ғолиб ўқувчи-талабаларни тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчилари иш ҳақида қўшимча устама, ўқитувчилик даражасига тегишли тоифа ва имтиҳонсиз илмий унвонлар бериш бўйича билдирилган тақлиф ҳам, шубҳасиз, барчани беҳад қувонтирди. Бу — катта имконият, улкан рағбат. Шунга яраша ёшларда ҳам, мураббийларда ҳам яхши натижа учун ҳаракат кучайди.

Йиғилишда билдирилган танқидий фикрлардан, кўрсатиб ўтилган камчиликлардан биз, спорт жамоатчилиги тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ўзбек спортининг мавқеини янада юксалтириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар эташимиз.

Шаҳрулло МАҲМУДОВ,
Спорт яққоқурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори.

Брифинг

МИЛЛИЙ МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган брифингда жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилишини назорат қилиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланмаслик бўйича Миллий мониторинг ўтказилиши ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилиб, мажбурий меҳнатга чек қўйишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бир неча йилдан пахта мавсуми пайтида мунтазам ўтказиб келинаётган Миллий мониторинг ана шулардан биридир.

Бу йилги мониторинг 25 сентябрдан 31 октябрга қадар давом этади. У Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ҳамкорлигида ўтказилади.

Мониторингга тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар иттифоқи ва жойлардаги ННТ вакиллари, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари жалб этилади. Қолаверса, бу йилдан бошлаб мониторингга АҚШ, Европа давлатлари ва бир қатор халқаро касаба уюшмалари марказлари вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Бу тадбирни сифатли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳудудий мониторинг гуруҳлари тузилиб, уларнинг таркибига тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди. Бу гуруҳлар аъзолари интернетга уланган планшетлар билан таъминланди ва зарур ҳолларда уларга ташкилий қўмак кўрсатилди.

Ўрганиш жараёнида пахта тераётган вояга етмаган шахслар аниқланса, улар зудлик билан таълим муассасаси ёки уйга қайтарилади ва даволатнома тузилиб, айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш учун меҳнат инспекциясига юборилади. Мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолати аниқланганда ҳам ана шундай йўл тутилади.

Алоҳида таъкидлаш зарур:

- корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки интизомий чора кўриш таҳдиди билан пахта йиғим-теримига жалб этиш **МУМКИН ЭМАС;**
- раҳбарларнинг ходимларни пахта теримига юбориш тўғрисида буйруқ чиқариши **МАН ЭТИЛАДИ;**
- меҳнатқашлар, тадбиркорлар, деҳқон бозорларида савдо-сотик билан шуғулланаётганлар, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролардан мавсум учун пул маблағлари йиғиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНДИ;**
- терилган пахтага тўланадиган ҳақ ҳар беш кунда, зарурат бўлган ҳолларда эса **ҲАР КУНИ БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ.**

Шунингдек, "Қайта алоқа механизми" жорий этилган бўлиб, мавсум давомида мунтазам ишлаб туради. Миллий мониторинг даврида ўрганиш натижалари ошкор этилмаслик тамойилига амал қилинади ва унинг яқунлари декабрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказиладиган давра суҳбатига тўлиқ эълон қилинади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Тошкент архитектура-қурилиш институти

2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD):

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси.
- 05.09.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар.
- 05.09.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари.
- 05.09.08 — Қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил қилиш.
- 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти.
- 08.00.13 — Менежмент.
- 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.
- 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги дипломи нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади;
 - илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
 - паспорт нусхаси;
 - 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.
- Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширади.

ДОКТОРАНТУРА (DSc):

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ

тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
 - тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - паспорт нусхаси;
 - 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.
- Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси.
- 01.02.05 — Суюқлик ва газ механикаси.
- 05.09.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар.
- 05.09.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари.
- 05.09.08 — Қурилиш технологияси ва қурилиш жараёнларини ташкил қилиш.
- 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти.
- 08.00.13 — Менежмент.
- 18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш.
- 18.00.02 — Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ тураржойларини режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси.

Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги дипломи нусхаси;
 - фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - иш жойидан тавсифнома;
 - паспорт нусхаси;
 - 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.
- Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Қўшимча маълумотларни 71-234-12-87, 71-234-11-37 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин. Электрон почта: ilmiy.bolim@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА БОЙ ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

— Мазкур мажмуада хунармандларга ижод намуналарини ясаш, намойиш этиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди тошкентлик хунарманд Раҳимхўжа Азларов. — Ҳар бир вилоят учун ажратилган ҳудудда хунармандлар учун махсус хоналар ҳозирланган бўлиб, уларда вилоятларга хос хунармандчилик йўналишлари бўйича уста-хунармандлар турли буюмлар ясамоқда. Бу туризминни ривожлантириш учун яна бир воқеа. Қолаверса, хорижий сайёҳларга мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятига хос халқ амалий санъати ва хунармандчилиги ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотади. Бойси улар нафақат ясалган тайёр буюмларни томоша қилишади, балки уларнинг тайёрланиш усулларини бевосита кузатиш имкониятига ҳам эга бўлишади. Мен ёғоч ўймакорлиги ва нақшошлик санъати йўналишида ясаган буюмларимни намойиш этяман. Бундай буюмларга сайёҳлар катта қизиқиш билдирмоқда, махсулотларимизнинг бозори чаққон.

Шунингдек, боғда ҳар бир вилоятга хос миллий таомлар ҳам тайёрланмоқда. Сайёҳлар ушбу таомларнинг тайёрланиш жараёнлари билан бевосита танишиш ҳамда улардан татиб кўриш имкониятига эга бўлади.

Пойтахтимизнинг «ташриф қоғози»га айланади

Боғда диққатни тортадиган яна бир объект — «Наврўз» инсталляцияси. У гумбаз шаклида бунёд этилган. Композициянинг периметри бўйлаб айлана шаклида кўприк ҳам қурилган бўлиб, унда пайда сайр қилиш мумкин. Мажмуа остида 250 ўринли амфитеатр ўрин олган. Бу ерга ташриф буюрадиган меҳмонлар ўриндикларда ўтириб, фольклор ансамблларининг чиқишларини томоша қилишлари ёки шунчаки ўтириб хордик чиқишлари мумкин.

— Давлатимиз раҳбарининг ғояси, ташаббуси билан ташкил этилган бу боққа «Наврўз» деб ном берилиши, назаримда, жуда катта рамзий маънога эга, — дейди фольклоршунос олим Жаббор Эшонқул. —

Энг аввало, бу ўтмишга, аждодларимизга, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат, эҳтиром. Маълумки, қадимда Наврўз халқимизнинг энг сеvimли, ардоқли байрамларидан бири бўлиб келган. Наврўз ҳақида кўплаб тарихий, адабий манбалар шундан далолат беради. Кейинги йилларда Наврўз ўзгача бир тарзда, халқ сайли шаклида нишонланмоқда. У чинакамига халқ байрамига айланди. Шундай экан, ўзгараётган, янгиланаётган, юксалаётган Ўзбекистоннинг пойтахти қоқ марказида янги ташкил этилган боққа «Наврўз» боғи деб ном берилиши бежиз эмас. Мамлакатимизга келган сайёҳлар Самарқандга борса, Регистонни, Бухорога борса, Лаби Ховузни, Хоразмга борса, Ичан қалъани кўришга ошқанда. Бу боғ ҳам пойтахтимизнинг халқаро нуфузини ошириб, унинг «ташриф қоғози»га айланиши шубҳасиз.

72 метрли чархпалак

Боғ бўйлаб юраркансиз, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган тарихий обидаларнинг кичик нусхалари эътиборингизни тортати тайин. Сурхондарё вилоятидаги Жаркўрган минораси, Хоразм вилоятидаги Ичан қалъа, Қашқадарё вилоятидаги Оқсарой, Самарқанд вилоятидаги Регистон ансамбли, Бухоро вилоятидаги Арк, Минораи Калон, Пойи Калон меъморий ансамбли, Мир Араб мадрасаси, Чор Минор, Лаби Ховуз аслиятига ўхшаш қилиб ишланган. Бу туристларни мамлакатимизнинг тарихий иншоотлари билан таништиришга қолмай, уларни ўша жойнинг ўзига бориб томоша қилишга ундайди.

Боғнинг асосий кириш жойидан ўнг томонда кабинали, 72 метрли чархпалак жойлашган. Мамлакатимиздаги энг баланд



Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Динара ЧИРКОВА олган суратлар.



чархпалак ҳиёбонга ўзгача салобат ва улғурлик бағишлайди. Анҳор канали устида қурилган арқонли кўприк меъморчиликнинг ноёб намуналаридан ҳисобланади.

Шунингдек, боғ ландшафтида сунъий чимдан ясалган иккита отга қўшилган арава, капалак, дельфинлар ҳамда оқушларнинг шакли акс эттирилган ҳайкаллар боғнинг умумий қиёфасига ўзига хослик бағишлаган. Боғда табиий чимдан ажойиб ландшафт яратилган. Бу ерда турли ноёб дарахт ва гул кўчатлари ўтказилган.

— Келгусида боғ ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар талайгина, — дейди «Наврўз» боғи директори ўринбосари Хуршидбек Юлдашев. — Мисол учун, айна кунларда боғ ҳудудида уч минг нафар то-

мошабинга мўлжалланган амфитеатр қурилмоқда. Унда байрам тадбирлари, хусусан, Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш кўзда тутилган. 400 автомобиль сизагидан ер ости автотураргоҳи, боғ бўйлаб соябоғ шаклида рестороанлар қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Боғ ҳудудида бунёд этиладиган яна бир йирик иншоот — усти ёпиқ аквапарк мажмуаси бўлиб, унда катталар ва болалар учун сув аттракционлари, Сра-маркази, болалар майдончаси, кафе-ресторанлар ўрин олиши кўзда тутилган.

Қисқача айтганда, боққа ташриф буюрганларда юртимизнинг ранг-баранг маданияти ҳақида яхлит тасаввур пайдо бўлади. Боғдаги ҳар бир бино, иншоот, мажмуа пухта ўйланган режа асосида қурилган. Унда халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ тасавурлари, мазкур байрам билан боғлиқ рамзлар ўз ифодасини топган. Уйлаймики, бу мажмуа мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини ошириб, хорижий сайёҳларнинг сеvimли масканига айланади.

Шаҳзоод ҒАФҒОРОВ
(«Халқ сўзи»)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши қарорига мувофиқ 2019 йилда берилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2021 йилнинг 25 январига қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:

100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: 71-233-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:

100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона. Тел.: 71-239-49-57, 71-244-65-97.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QISHLOQQURILISHBANK
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
пул санаш машиналарини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.
Тижорат таклифлари 2019 йилнинг 29 сентябрга қадар қабул қилинади.
Батафсил маълумотларни ва танлов ҳужжатларини куйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Телефонлар: 78-150-76-77, 78-150-79-41. www.qqb.uz

QISHLOQQURILISHBANK
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ
биометрик технологияли кодли кулфларни етказиб бериш ва банк филиалларида ўрнатилган бўйича танлов эълон қилади.
Танлов бўйича тижорат таклифлари 2019 йилнинг 20 сентябрь кун соат 14.00 га қадар қабул қилинади.
Танлов шартлари юзасидан батафсил маълумотларга эга бўлиш учун куйидаги манзилга ёки телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Телефонлар: 78-150-76-77, 78-150-79-41. www.qqb.uz

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ННТ (нодавлат нотижорат ташкилот)нинг рамзий байроғи бўлмаганлиги муносабати билан ўзининг байроғини белгиланган тартибда яратиш мақсадида байроқ дизайни бўйича танлов эълон қилади.
Кенгаш байроғининг дизайнини ишлаб чиқиш истагини билдирганлар info@uzfk.uz ва farmer@exat.uz электрон почталари орқали 2019 йил 23 сентябргача ўз таклифларини жўнатилари мумкин. Ишлаб чиқилган таклифлар тегишли ички ишчи комиссия аъзолари томонидан ўрганилиб, голиб танлаб олинади. Асос: «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддаси.
Мазкур моддада нодавлат нотижорат ташкилоти ўзининг байроғи, эмблемаси, вимпели ва бошқа рамзий белгиларига эга бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак.
Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ, унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Гидрометеорология илмий-текшириш институти (ГМИТИ)
2020 йил учун куйидаги ихтисосликлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим институти (докторантура)га қабул эълон қилади:
ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА 11.00.04 — Метеорология, климатунослик, агрометеорология — 1 ўрин.
ДОКТОРАНТУРА 11.00.03 — Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё — 1 ўрин.
МУСТАҚИЛ 11.00.03 — Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё.
ИЗЛАНУВЧИЛИК 11.00.04 — Метеорология, климатунослик, агрометеорология.
Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябрга қадар қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72-уй. Маълумот учун телефонлар: 71-233-85-12, 71-235-83-29.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
2020 йил учун ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, ДОКТОРАНТУРА ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА КУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябрга қадар қабул қилинади.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.
Телефонлар: 71-237-48-42, 71-237-54-53. Веб-саҳифа: www.bfa.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ КУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
Инвестициялар кафедраси: кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.
Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси: катта ўқитувчи.
Чет тиллари кафедраси: катта ўқитувчи.
Барча профессор-ўқитувчи (кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи) лавозимларига номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтаган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.
Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган номзодлар қатнашиши мумкин.
Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, қоидага кўра, доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган номзодлар иштирок этиши мумкин.
Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун танловда олий маълумотга эга бўлган номзодлар (магистр дипломи мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш соҳаларида тажрибага эга бўлган номзодлар ҳам қатнашиши мумкин.
Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Ректор номига ариза;
2. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Диплом ва аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
5. Малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳномалар.
Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.
Маълумот учун телефонлар: 71-237-54-53, 71-237-52-91.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Дуно бо'йлаб» телеканали жамоаси телеканалнинг Кино, видеомасхулотлар ва тезкор дубляж муҳарририяти бош муҳаррири Дилшод Шамсиевга отаси
Абдусаттор ШАМСИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқини — 21.20 Топширилди — 22.15

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.
1 2 3 4 5 6